

“Ижодкор болалар” фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 11 майдаги 130-сон қарорига мувофиқ “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган ижодий тўғараклар бўйича уч босқичли “Ижодкор болалар” фестивалини (бундан буён матнда фестиваль деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Фестиваль ҳар йили “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган ижодий тўғараклар аъзолари ўртасида республика миқёсида ўтказилади.

2. Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2-боб. Фестивалнинг мақсад ва вазифалари

3. Фестивалнинг мақсади:

ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар онгига меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш;

болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг бадиий, техник, ўлкашунослик ва экология йўналишларига оид кўникмаларини янада ривожлантиришдан иборат.

4. Фестивалнинг вазифаси ўқувчилар ўртасида иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳисобланади.

3-боб. Фестивални ўтказиш тартиби

5. Фестиваль уч босқичда йўналишлар бўйича (*бадиий ижодиёт, техник ижодиёт ва ўлкашунослик ва экология*) ташкил этилади.

а) **биринчи босқич** - туман (шаҳар) босқичи “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак аъзолари ўртасида жорий йилнинг 1 майга қадар ўтказилади;

б) **иккинчи босқич** - ҳудудий босқич барча туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак аъзолари иштирокида Қорақалпоғистон

Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда жорий йилнинг 30 майга қадар ўтказилади;

в) **учинчи босқич** - республика босқичи фестивалнинг республика ташкилий қўмитаси томонидан белгиланган манзилда жорий йил июнь ойида ўтказилади.

6. Фестиваль қуйидаги йўналишларда ўтказилади ва иштирокчилар ушбу йўналишлардан мавжудлари бўйича иштирок этади:

- а) ёғоч ўймакорлиги йўналиши;
- б) либослар дизайни йўналиши;
- в) робототехника йўналиши;
- г) автомобиль йўналиши;
- д) экодизайн йўналиши;
- е) ландшафт дизайни йўналиши.

7. Фестивалнинг биринчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар (ўтказиш вақти, жойи, ишчи гуруҳ, ҳакамлар ҳайъати таркиби) туман (шаҳар) халқ таълими бўлимнинг буйруқлари, иккинчи босқични ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

8. Фестивалнинг барча йўналишлари бўйича 1 нафардан (жами 6 нафар) ғолиб иштирокчилар фестивалнинг республика босқичида иштирок этади.

9. Фестивалнинг барча йўналишлари бўйича **биринчи босқич** ғолибларининг ҳужжатлари (ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори, туман (шаҳар) ХТБ йўлланмаси) туман (шаҳар) ХТБ томонидан жорий йилнинг 10 майга қадар халқ таълими бошқармаларига, **иккинчи босқич** ғолибларининг ҳужжатлари (ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари йўлланмаси) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан жорий йилнинг **5 июнига** қадар республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

10. Ҳар бир ҳудуддан фестиваль иштирокчиларига 2 нафар педагог ходимлар бириктирилади.

Фестиваль иштирокчиларининг келиб-кетиш хавфсизлиги ва соғлиги бўйича жавобгарлик ҳудудлардан бириктирилган масъул педагоглар зиммасига юклатилади.

4-боб. Фестивалнинг шарти ва баҳолаш мезони

11. Фестиваль иштирокчиларининг ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади.

а) Ёғоч ўймакорлиги йўналиши:

иштирокчилар 2 донга яқунланган ижодий ишларини тақдим этади; ижодий ишлар яқунланган, бадиий безак берилган бўлиши лозим;

иштирокчи ижодий ишларида акс эттирилган нақш турлари, услуби ҳақида маълумот беради.

Кўрик-танловнинг амалий жараёни:

иштирокчи ўзи билан ёғоч ўймакорлигига оид маҳсулотларни олиб келиб, ўз ҳудудий маданиятидан келиб чиқиб, ижодий иш тайёрлайди. Ижодий иш тайёрлаши учун 2 соат вақт ажратилади.

Иштирокчи ижодий ишини Ҳакамлар ҳайъати олдида мустақил ҳимоя қилади. Ижодий ишни ҳимоя қилиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

б) Либослар дизайни йўналиши:

ушбу шартда иштирокчи 4 та либослар эскизи билан қатнашади.

Ижодий ишларга қўйиладиган талаб ва шартлар:

биринчи эскизда - қиш фаслига оид бўлган либоснинг акс эттирилганлиги;

иккинчи эскизда - баҳор фаслига оид бўлган либоснинг акс эттирилганлиги;

учинчи эскизда - ёз фаслига оид бўлган либоснинг акс эттирилганлиги;

тўртинчи эскизда - куз фаслига оид бўлган либоснинг акс эттирилганлиги;

эскизларда миллийлигимиз ва қадриятларимиз акс эттирилганлиги бўлиши;

эскизлар ҳажми чегараланмаган бўлиб, турли форматда қоғоз, шиша ва бошқа шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Кўрик-танловнинг амалий жараёни:

иштирокчи ўзи билан либослар дизайнига оид хом ашё ва жиҳозларни олиб келиб, фасллардан келиб чиқиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан танланган битта фаслга ҳос бўлган либос эскизини тайёрлайди. Ижодий ишни тайёрлаши учун 2 соат вақт ажратилади.

иштирокчи ижодий ишини ҳакамлар ҳайъати олдида мустақил ҳимоя қилади. Ижодий ишни ҳимоя қилиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

в) Робототехника йўналиши:

ҳар бир иштирокчи икки донадан ижодий иш тақдим этиши;

ижодий ишнинг дизайнига эътибор қаратилганлиги;

ижодий ишнинг эскизи ва унга мос бўлиши;

ижодий ишни яратиш схемаси бўлиши;

яратилган ижодий ишнинг ҳаракатланиши;

тақдим этиладиган ижодий ишнинг ҳажми чегараланмаган.

Кўрик-танловнинг амалий жараёни:

иштирокчи ўзи билан робототехникага оид ўта мураккаб бўлмаган хом ашё ва жиҳозларни олиб келиб, ҳаракатланадиган робот тайёрлаши лозим. Ижодий ишни тайёрлаши учун 2 соат вақт ажратилади.

Иштирокчи ижодий ишини ҳакамлар ҳайъати олдида мустақил ҳимоя қилади ва ҳимоя қилиш учун 3 дақиқа вақт берилади.

г) Автомодель йўналиши:

ҳар бир иштирокчи икки донадан ижодий иш тақдим этиши;

ижодий ишнинг дизайнига эътибор қаратилганлиги;
ижодий ишнинг эскизи ва унга мос бўлиши;
ижодий ишни яратиш схемаси бўлиши;
яратилган ижодий ишнинг ҳаракатланиши;
тақдим этиладиган ижодий ишнинг ҳажми чегараланмаган.

Кўрик-танловнинг амалий жараёни:

иштирокчи ўзи билан автомобилсозликка оид ўта мураккаб бўлмаган хом ашё ва жиҳозларни олиб келиб, ҳаракатланадиган автомобиль тайёрлаши лозим. Ижодий ишни тайёрлаши учун 2 соат вақт ажратилади.

Иштирокчи ижодий ишни ҳакамлар ҳайъати олдида мустақил ҳимоя қилади ва ҳимоя қилиш учун 3 дақиқа вақт берилади.

д) Экодизайн йўналиши:

ҳар бир иштирокчи 1 дона ўзи томонидан тайёрланган экологик ижодий ишни тақдим этиши;

ижодий иш турли дарахтлар, кўчатлар ва гуллар, дуккакли ўсимликлар, мевалардан бўлиши ҳам мумкин.

Кўрик-танловнинг амалий жараёни:

ушбу шартнинг амалий жараёнида иштирокчи томонидан ҳакамлар ҳайъати олдида 1 дона атроф-муҳит ва экологияга оид экодизайн-интерьер тайёрлаб беради;

иштирокчига экодизайн-интерьерни тайёрлаш учун 2 соат вақт ажратилади.

Иштирокчи экодизайн-интерьерни тайёрлашда турли шакллардан фойдаланиши ва ушбу ишларнинг замонавий турларидан фойдаланиши ҳам мумкин. Экодизайн-интерьер А3 форматда бўлиши лозим.

Иштирокчи ижодий ишни ҳакамлар ҳайъати олдида мустақил ҳимоя қилади ва ҳимоя қилиш учун 3 дақиқа вақт берилади.

е) Ландшафт дизайни йўналиши:

ҳар бир иштирокчи 1 дона ўзи томонидан тайёрланган ландшафт дизайни бўйича ижодий ишни тақдим этиши;

ижодий иш турли уй макетлари, ховлини безатиш, кўчатлар ва гуллар, дуккакли ўсимликлар, мевалардан бўлиши ҳам мумкин.

Кўрик-танловнинг амалий жараёни:

ушбу шартнинг амалий жараёнида иштирокчи томонидан ҳакамлар ҳайъати олдида 1 дона атроф-муҳит ва ландшафт дизайнига оид кўрғазмали ишни тайёрлаб беради;

иштирокчига ландшафт дизайни тайёрлаш учун 2 соат вақт ажратилади.

Иштирокчи ландшафт дизайнини тайёрлашда турли шакллардан фойдаланиши ва ушбу ишларнинг замонавий турларидан фойдаланиши ҳам мумкин. Ландшафт дизайни А3 форматда бўлиши лозим.

Иштирокчи ижодий ишни ҳакамлар ҳайъати олдида мустақил ҳимоя қилади ва ҳимоя қилиш учун 3 дақиқа вақт берилади.

12. Иштирокчиларнинг ижодий ишлари қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

а) Ёғоч ўймакорлиги йўналиши:

2 дона яқунланган ижодий ишнинг тақдим этилганлиги - 10 баллгача;
ижодий ишларнинг яқунланганлиги, сифати ва бадиий безак берилганлиги – 40 баллгача;

амалий шартда иштирокчи ижодий ишда нақш турлари ва услубини батафсил ёритганлиги учун – 50 баллгача.

б) Либослар дизайни йўналиши:

иштирокчи ижодий иши юзасидан етарлича билимга эга бўлиши, ўз ижодий ишини ҳакамлар ҳайъати олдида мустақил ҳимоя қилиши – 10 баллгача;

ижодий ишнинг белгиланган ҳажмда бўлиши, сифат даражасига аҳамият берилганлиги – 10 баллгача;

эскизларда миллийликнинг акс этирилганлиги – 20 баллгача;

яратилган либосларда қадимийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги – 10 баллгача;

амалий шартда эскизнинг тайёрлашда ноанъанавий ранглардан фойдаланилганлиги, бежиримлиги ва ўзига хослиги – 50 баллгача.

в) Робототехника йўналиши:

ижодий ишларнинг ушбу Низом талабларига амал қилинганлиги – 10 баллгача;

ижодий иш дизайн асосида яратилганлиги – 10 баллгача;

ижодий иш эскизининг мавжудлиги ва унинг сифати – 10 баллгача;

бажарилган ижодий иш макетининг эскизга мослиги – 10 баллгача;

амалий жараёнда яратилган ижодий ишнинг бирор функцияни бажариши – 50 баллгача;

иштирокчи томонидан ижодий ишнинг сифатли тақдимот қилиниши – 10 баллгача.

г) Автомодель йўналиши:

ижодий ишларнинг ушбу Низом талабларига амал қилинганлиги – 10 баллгача;

ижодий иш дизайн асосида сифатли яратилганлиги – 30 баллгача;

иштирокчи томонидан ижодий иш ҳақида кенг маълумот берилиши – 10 баллгача;

амалий жараёнда яратилган ижодий ишнинг ҳаракатланиши ва бирор бир функцияни бажариши – 50 баллгача.

д) Экодизайн йўналиши:

ижодий иш турли дарахтлар, кўчатлар ва гуллар, дуккакли ўсимликлар, мевалардан бўлганлиги – 10 баллгача;

экодизайн-интерьерини тайёрлашда ишлатиладиган барча асбоб-анжомларни мавжудлиги – 10 баллгача;

амалий шартни бажаришда техника қоидаларига риоя қилинганлиги, экодизайн-интерьерини белгиланган бежиримлиги, ўзига хослиги ва янгича фоялар билан ишланганлиги – 60 баллгача;

иштирокчининг “Экодизайн” санъати ҳақида билимга эга эканлиги – 20 баллгача.

е) Ландшафт дизайни йўналиши:

ҳар бир иштирокчи 1 дона ўзи томондан тайёрланган ландшафт дизайни бўйича ижодий ишни тақдим этиши – 20 баллгача;

ижодий иш турли макетлар, ранг баранг тошлардан безатилиши, кўчатлар ва гуллар, ўсимлик ва табиий маҳсулотлардан фойдаланилганлиги – 20 баллгача;

ушбу шартнинг амалий жараёнида иштирокчи томонидан ҳакамлар ҳайъати олдида 1 дона атроф-муҳит ва ландшафт дизайнига оид кўргазмали ишни тайёрлаб бериши – 60 баллгача.

13. Ташкилий кўмита фестивалъ-танлов жараёнида баҳолаш мезонига қўшимчалар киритиши мумкин.

14. Фестивалъ шартларини бажариш бўйича зарур бўлган маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, ускуналарни электр тармоқларига улаш воситаларини худудлардан келадиган иштирокчилар ўзлари билан бирга олиб келишлари шарт.

5-боб. Фестивалъ ғолибларини тақдирлаш

15. Ташкилий кўмита томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар республика ташкилий кўмитаси томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалари билан қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланадилар:

а) барча йўналишлар бўйича 1 тадан 1-, 2-, 3-ўринлар;

б) барча йўналишлар орасидан 3 та йўналишда номинация белгиланади:

“Энг ноанъанавий лойиҳа муаллифи” номинацияси;

“Энг зукко иштирокчи” номинацияси;

“Энг фаол иштирокчи” номинацияси.

6-боб. Якуний қондалар

16. Фестивалъ натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий кўмита томонидан тасдиқланади.

17. Фестивалъ натижаларидан норози бўлган иштирокчилар фестивалъ якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

18. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.

19. Фестивалъ иштирокчилари тақдим этаётган ижодий ишлари учун ҳимояда фойдаланадиган хом-ашё ва жиҳозларни (электр ашёларини) ўзлари билан олиб келишлари талаб этилади.

20. 2018 йилда тақдим этилган ижодий ишлар (ижодий ишнинг такомиллаштирилган нусхалари бундан мустасно) фестивалъга қўйилмайди.

е) Ландшафт дизайни йўналиши:

ҳар бир иштирокчи 1 дона ўзи томондан тайёрланган ландшафт дизайни бўйича ижодий ишни тақдим этиши – 20 баллгача;

ижодий иш турли макетлар, ранг баранг тошлардан безатилиши, кўчатлар ва гуллар, ўсимлик ва табиий маҳсулотлардан фойдаланилганлиги – 20 баллгача;

ушбу шартнинг амалий жараёнида иштирокчи томонидан ҳакамлар ҳайъати олдида 1 дона атроф-муҳит ва ландшафт дизайнига оид кўргазмали ишни тайёрлаб бериши – 60 баллгача.

13. Ташкилий қўмита фестивал-танлов жараёнида баҳолаш мезонига қўшимчалар киритиши мумкин.

14. Фестивал шартларини бажариш бўйича зарур бўлган маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, ускуналарни электр тармоқларига улаш воситаларини ҳудудлардан келадиган иштирокчилар ўзлари билан бирга олиб келишлари шарт.

5-боб. Фестивал ғолибларини тақдирлаш

15. Ташкилий қўмита томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар республика ташкилий қўмитаси томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалари билан қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланадилар:

а) барча йўналишлар бўйича 1 тадан 1-, 2-, 3-ўринлар;

б) барча йўналишлар орасидан 3 та йўналишда номинация белгиланади:

“Энг ноанъанавий лойиҳа муаллифи” номинацияси;

“Энг зукко иштирокчи” номинацияси;

“Энг фаол иштирокчи” номинацияси.

6-боб. Якуний қоидалар

16. Фестивал натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

17. Фестивал натижаларидан норози бўлган иштирокчилар фестивал якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

18. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.

19. Фестивал иштирокчилари тақдим этаётган ижодий ишлари учун ҳимояда фойдаланадиган хом-ашё ва жиҳозларни (электр ашёларини) ўзлари билан олиб келишлари талаб этилади.

20. 2018 йилда тақдим этилган ижодий ишлар (ижодий ишнинг такомиллаштирилган нусхалари бундан мустасно) фестивалга қўйилмайди.